«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ

# ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ САЙЁРА УМАРОВНА СУЛТОНОВА.

№ 7



КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

## ЯХШИ ДАМ ОЛИШМОҚДА

«Меҳнаткашларнинг дам олиши ва туризм бутун чоралар билан ривожлантирилсин ҳамда уларни ташкил этиш такомиллаштирилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

**Ёз — оммавий дам олиш мавсуми ҳисобланади. Бу пайтда кекса кишига шаҳардан ташқарида жойлашган санаторийда бўлиш, саломатлигини тиклаш ва медицина ходимларининг назорати остида зарур миқдорда қуёш нуридан фойдаланиш жуда зарурдир. Айни пайтда чўмилиш, спорт майдончаларида машғулот ўтказиш ҳам организмни чиниқтиради.**

**Ўзбекистон ССР социал-таъминот министрининг ўринбосари Қ. М. Маҳкамова бу йил уруш ва меҳнат ветеранларининг дам олишини ташкил этиш қандай бораётганлиги ҳақида шундай ҳикоя қилади:**

— Республикамиз партия ва ҳукумати Ватанимизни уруш йилларида душмандан ҳимоя қилган, бутун умрини халқ хўжалигида ишлашда ўтказган, моддий неъматлар яратиш билан жамиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган кишиларнинг саломатлигига катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Социал таъминот системасида замонавий медицина аппаратлари билан жиҳозланган, медицина ходимлари билан таъминланган уруш ва меҳнат ветеранлари, инвалидларнинг дам олиш базаси мавжуд. Улар Олтиариқ санаторийси ва Товоқсой пансионатидир.

Пансионатлар табиат қўйнида жойлашган. Масалан, Бўстонлиқдаги пансионат Чимён тоғининг ёнбағрида, Бўстонлиқдаги Захканалнинг шундай ёнида жойлашган. Бу ернинг ҳавоси жуда мусаффо. Дам олувчилар бир ва икки кишига ҳисобланган хоналарда ётишади. Хилма-хил овқатлар билан таъминланишади. Агар пансионатга бориш учун 60 сўм тўланса, шунингдек, Олтиариқ санаторийсига бориш учун 160 сўм тўланса, бу харажатларнинг ҳаммасини давлат ўз ҳисобидан ажратмоқда.

Фарғона областидаги Олтиариқ санаторийси кўп қирралидир. Бу ерда ошқозон-ичак, асаб касалига дучор бўлган кишилар даволанишади. Агар аввал дам олувчилар қўшни санаторийда чўмилишган бўлишса, яқинда санаторийда янги сув билан даволаш корпуси фойдаланишга топширилди.

Санаторий катта боғда жойлашган. Бу боғдаги хиёбонлар бўйлаб юриш, соя-салқин жойларда ўтириш ҳар бир кишига ҳузур бағишлайди.

Янгийўл районидаги республика кўрлар жамиятининг дам олиш зонаси ҳам кенгайтирилди. Ҳозир бу жойда 400 киши дам олиши мумкин. Бу санаторийда ҳам ичимлик суви мавжуд. Юқори малакали медицина хизмати кўрсатилади.

Бундан ташқари республика социал-таъминот органлари ҳар йили уруш ва меҳнат ветеранлари учун марказий курорт ва дам олиш уйларига путёвкалар олиб туришади. Бу йил Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети бир неча юз путёвка ажратди. Шундай қилиб бу йил кўплаб уруш инвалидлари, қатнашчилари ва меҳнат ветеранлари Қора денгиз соҳилида, Ригада, Москва яқинидаги дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришади.

Шу ўринда мен уруш ва меҳнат ветеранларининг саломатлигини тиклаш учун ажратилаётган маблағ ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчи эдим. Бу йил у деярли 1 миллионга яқин сўмни ташкил этади.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## Бир пиёла чой устида

Ҳар бир маҳаллада кекса, ҳурматли кишилар бор. Улар ёшлар китоблардан, кинодан биладиган нарсаларни ўз кўзлари билан кўришган, ўз бошларидан кечиришган. Уларнинг доно маслаҳатларига ҳамма қулоқ солади. Улар турмуш, маданият, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишади.

«Биринчи Кисловодск» маҳалласи клуби сочларига оқ оралаган кишилар билан ҳамиша гавжум. Улар бу ерда бир пиёла кўк чой устида жиддий масалаларни муҳокама этишади. Уларни халқаро аҳвол ҳам қизиқтиради. Ҳа, 1945 йилда совет жангчилари тинчликни қарор топтирган планетамизда нотинчлик ҳукм сурмоқда. Бизнинг жонажон шаҳримиз эса ўзининг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик кўряпти. Демак, улар — кекса авлод вакиллари ҳам ўзлари камол топган маҳаллани, микрорайонни, шаҳарни янада гўзал қилишни ўйлайдилар.

* * *

**СУРАТДА: маҳалла комитети фаоллари (чапдан-ўнгга): пенсионер Собир Тўлаганов, унинг укаси, Улуғ Ватан уруши инвалиди Ислом Тўлаганов, медик Юсуф Қосимов, педагог Нуриддин Салимов, медицина фанлари кандидати С. Шерматов.**

**Ҳ. Мирзакаримов** фотоси.

СУҲБАТНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

## ИШНИ ТЎХТАТИШГА ШОШИЛМАНГ

**Газетанинг шу йил 26 апрель сонида босилган социолог В. Шапиронинг мақоласини ўқиб, унда илгари сурилган масала бўйича ўз мулоҳазаларимни айтмоқчиман.**

— 1958 йилда мен 55 ёшга тўлдим ва ўша заҳотиёқ пенсияга чиқдим. Ўйламай иш қилганимни кейин тушуниб қолдим. Агар ишимни давом эттирганимда ўзимни яхшироқ ҳис этган бўлардим. Мен бошқаларга шундай маслаҳат бермоқчиман: пенсияга чиққанингиздан кейин ишни ташламанг, ҳаётингизни безайдиган севимли жамоат иши билан шуғулланинг. Ўз ишини давом эттирган пенсионер давлатга фойда келтиради. Негаки, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишчи кучлари керак.

Мана, мен 25 йилдирки пенсионерман. Квартирам бор. Яхшигина пенсия ҳақи оламан. Биз, кексалар ҳақидаги ғамхўрлиги учун ҳукуматимизга раҳмат. Шоир Ғафур Ғулом ҳам жуда чиройли қилиб, бизда кексалар ҳурмат-эътиборга сазоворлиги тўғрисида ёзган эди. Мен жамоат иши олиб бораман. Киров район социал-таъминот бўлими қошидаги меҳнат ва уруш ветеранлари хор коллективининг аъзосиман. Тез-тез концертлар қўйиб турамиз, томошабинлар бизни яхши кутиб олишади. Хоримиз 30 ёшга тўлди.

Мен эса 80 га кирдим. Ҳар бир киши узоқ умр кўрсин, лекин қариликни асло ҳис этмасин.

**Е. КРЕТОВА.**

МИННАТДОРЧИЛИК СЎЗЛАРИ

### ЙЎҚЛАБ ТУРИШИБДИ

84 ёшдаман. Пенсияга чиққанимга анча бўлди. Ҳар йили Ғалаба байрами куни ва бошқа байрамларда завод ишчиларининг вакиллари мени йўқлаб келишади, қимматбаҳо совғалар тақдим этишади. «Компрессор» заводи коллективига кўрсатаётган ғамхўрлиги учун катта раҳмат айтаман.

**Н. МИХАЛЕВ,**
**гражданлар ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси.**

### ЧИН ДИЛДАН ТАШАККУР

Истеъфодаги офицер, Улуғ Ватан урушининг III группа инвалиди А. Сарсенов уруш ветеранлари шаҳар стационари, 77 ёшли пенсионер И. Король ТошМИ 4-пульминалогия бўлими, уруш инвалиди Н. Мақсудхўжаев 9-стоматология поликлиникаси, уруш ветерани Ф. Батурин 17-шаҳар касалхонаси, уруш қатнашчиси А. Дмитрев 4-тери-таносил диспансери врачларига чуқур миннатдорчилик билдиришади.

Совет турмуш тарзи

## Исмини сўрай олмадим...

Ҳурматли редакция! Менга ҳаётимни сақлаб қолган кишининг исмини билишга ёрдам берсангиз. Ўтган йилнинг учинчи декабрида ўз шахсий автомашинамда ишдан қайтаётганимда эски Тошкент Давлат медицина институти олдидаги 40-озиқ-овқат магазинига кирдим. Бу ерга мен Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси сифатида бириктириб қўйилганман. Магазиндан озиқ-овқатларни олиб машинага яқинлашаётганимда бирдан аҳволим оғирлашиб қолди. Оғзимдан қон оқа бошлади. Ҳушимдан кетиб йиқилдим... Шу пайт олдимга бир аёл етиб келди. Менимча у медицина ходими эди. Оғзимга бир неча таблетка дори ташлади. Лекин мен уларни юта олмадим. Шундан кейин номаълум аёл магазинга кириб, бир шиша Тошкент суви олиб чиқди. Уни ичириб, қон оқишини тўхтатди. Мен ҳушимга кела бошлаганимда у машинада яна бир стакан сув қолдириб, ўзи ғойиб бўлди.

Сиздан ниҳоятда миннатдорман, номаълум аёл. Ўзингизнинг исмингизни айтишингизни ўтиниб сўрайман. Сизга бош эгиб таъзим қилмоқчиман. Сиз ҳақиқий маънода буюк инсонсиз, демоқчиман.

Энди ўзим ҳақимда. Улуғ Ватан уруши йилларида Москвадан душманни қувишни бошлаб, Кенигсберггача бордим. Узоқ Шарқдаги жангда қатнашганман, Манчжурияни озод этишда иштирок этганман. 1944 йилдан буён КПСС аъзосиман.

Урушдан кейин 30 йил 1-автокомбинатда меҳнат қилдим. Ҳозир пенсияга чиққан бўлишимга қарамасдан, ишни давом эттиряпман.

**Ф. ОСТАПЧУК,**
**Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, меҳнат ветерани.**



**Улардан ҳар бирининг ўз ҳаёти, ўз оиласи, ўз ташвишлари бор. Улар жасоратли авлод вакиллари кексайган бўлишларига қарамай, солдат дастурхони атрофига тўпланганларида ҳаяжонларини яширмайдилар. Ватанни немис-фашист босқинчиларидан ҳимоя қилиш шарафига муяссар бўлганлар дўстлар даврасида ўзларини ҳамон навқирон ҳис этадилар.**

**СУРАТДА: Улуғ Ватан уруши ветеранлари М. Саматова, Р. Усмонов ва А. Степанянц.**

**Ҳ. Отабоев** фотоси.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

## БУ НИМА—ТОШБАҒИРЛИКМИ?

Кексалар. Биз уларни уйларнинг подъездларида ўтирганларида, невараларини етаклаб хиёбонлар ва парклар, магазинлар ва бозорларни айланиб юрганларида кўрамиз. Уларнинг мулойим чеҳраларига назар ташлаб, кундалик уй ишлари билан боғлиқ суҳбатларига қулоқ соламиз. Агар чуқурроқ мулоҳаза юритсак, уларнинг ҳар бири мамлакат билан биргаликда катта ва оғир ҳаёт йўлини босиб ўтган. Уларнинг ҳар бири ўзининг навқиронлик йилларини меҳнатга бағишлаган: кўмир қазиб чиқарган, темир эритган, пойафзал тиккан, поездларни бошқарган... Улар ишлаган жой эса ҳар бири учун жонажон коллектив бўлиб қолади. Буни коллективдагилар унутмасликлари керак.

Байрамда откритка билан табриклаш шунчаки эътибор белгиси дейиш мумкин. Лекин унга сазовор бўлиш жуда муҳим. У дилга қувонч бахш этади. Чунки бу табрик хати куч-ғайратга тўлган ёшлик даврингни, меҳнат лаёқатингни ҳамон унутмаган коллективдан келган.

Афсуски, бир умр тикувчилик корхонасида меҳнат қилган И. Циран, А. Раева, Д. Конирева, Е. Уткина, М. Абдураззоқова, Г. Епифанова ва бошқа пенсионерлар байрам откриткалари олишмайди. Унутиб юборишганидан хафа бўлишади.

Балки бугунги кунда навқирон ёшда бўлганларга уларнинг хафагарчилиги асоссиздек туюлади: «Табриклашмаган бўлса нима қилибди... ҳамманинг ташвиши бошидан ошиб ётибди. Пенсионерлар эса бекорчиликдан зерикишади» дейишади.

Тўғрисини айтганда, ҳамма нарсанинг ўз йўриғи бор. Ираида Ивановна Циран хотирасида кўп воқеалар ўчмас из қолдирган. Мана, даҳшатли қирқ биринчи йил. Ўшанда душман Москва остоналарига яқинлашган, у меҳнат қилган парашют заводидан етти километр нарида тўхтатилган эди. Аёллар ва ёшгина қизлар бомбалар ёғилаётган пайтда вагонларга оғир жиҳозларни ташишган, кейин эса юк вагонларида бир ойга яқин муддатда Тошкентга етиб келишган эди. Уларни бу ерда ҳам оғир меҳнат кутиб турган эди.

Дам олиш кунисиз, отпускасиз ишлашарди. Бўш вақтлар бўлса госпиталга югуришарди. Ярадорларга китоб ўқиб беришар, хат ёзишда ва бошқа ишларда ёрдам кўрсатишарди.

Ираида Ивановна Циран сўз юритган парашют фабрикаси эндиликда йирик корхонага — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмасига айланган. Бирлашмада ишчиларнинг меҳнат, маиший ва дам олиш шароитини яхшилаш борасида кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Меҳнат ва уруш ветеранларига ҳам катта ғамхўрлик кўрсатиляпти. Лекин ҳаммага эмас...

Мана, яна бир шунга ўхшаш мактуб: «Мен «Таштрам» системасида 32 йилу етти ой ишладим, —деб ёзади С. Т. Агафонова.— 1982 йилда оғир операциядан кейин инвалид бўлиб ишни тўхтатдим. 1983 йилнинг февраль ойида эса ҳақиқий отпускага чиқадиган пайтим етди. Мен ҳужжатларни расмийлаштириш учун ўзим ишлаган Черников номидаги 1-трамвай депоси директори ўринбосари И. В. Прокофьев ҳузурига келдим. У эртага келишимни сўради: «Пенсияга тантанали кузатамиз», деди у. Эртаси куни келдим. Бироқ директор ўринбосари ўзининг ваъдасини унутди. Раҳбарларимиз менга ҳатто «раҳмат» дейишмади».

Ўрта бўйли, қотма Софья Тимофеевна мени қандайдир ҳайрон бўлиб кутиб олди. «Мен сизни ташвишга солиб қўйибман. Ҳозир кайфиятим яхши. Хафагарчиликни унутдим. Тўғри аввалига анча озор чекдим. Фарзандларим ва қўшниларимдан уялдим. Чунки депода мени тантанали кузатиб қўйишмоқчи бўлишганини уларга айтиб мақтанган эдим. Бунақа бўлишини қаёқдан билибман». Тошкентлик кексалар 50-йилларда «иккинчи» трамвайга чиқишган бўлса ўзларини ишга ва уйларига элтиб қўйган чақноқ кўзли, қувноқ қизчани эслашса керак. Ҳа, унинг биографияси ана шу иккинчи маршрутда бошланган. Софья Тимофеевна етти йил шу маршрутда, кейин бошқа маршрутларда ишлади. Меҳнат дафтарчаси—инсон ҳаётининг кўзгуси дейишади. Софья Тимофеевна ўз уйида авайлабасраётган меҳнат дафтарчасида борйўғи икки ёзув бор: ишга қабул қилиш ва пенсияга чиқиш муносабати билан ишдан бўшаш тўғрисида. Бошқа ёзувлар фақат ташаккурномалардан иборат. Ташаккурномалар шунчалик кўпки, уларни сиғдириш учун қўшимча варақ ёпиштиришган.

— Трамвай депосида С. Т. Агафонова каби 30 йилдан ортиқ ишлаган ҳайдовчилар кўпми? Мен бу саволни 1-депо директори ўринбосари И. В. Прокофьевга бердим. Кутганимдек «йўқ» деган жавоб эшитдим. Корхонада кадрлар қўнимсизлиги катта. Ҳайдовчилар ҳамиша етишмайди.

— Ҳа, биз йўл қўйган камчиликни кечириб бўлмайди,— фикримизга қўшилади Прокофьев. —Умуман биз Агафоновани ҳурмат-эҳтиром билан пенсияга кузатиш ниятида эдик. Лекин ишга ўралашиб қолдик. Ташвишларимиз кўп.

Улуғ Ватан уруши ветерани Ҳ. С. Абдурашидов ҳам раҳбарларнинг эътиборсизлигидан хафа. «Мен «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бешёғочдаги кўн заводида 25 йил ишладим. 1980 йил январь ойида пенсияга чиқдим. Ғалабанинг 35 йиллиги нишонланган пайтда мени ҳам эслашар деб ўйладим, кутдим, лекин келишмади. Кейин завод партия комитети секретари И. И. Дебердеев хатони тузатишга ваъда берди, афсуски ваъдасини унутди. Мен бирлашма бош директори Л. М. Арушанов номига ёзган хатимга ҳам жавоб олмадим. Унга шундай савол берган эдим: Наҳотки мен уруш ва меҳнат ветерани сифатида эътиборга сазовор эмасман?».

Нима учун шунчалик хизмат кўрсатган кишиларни — ветеранларни унутиб қўйишяпти? Бу корхоналар раҳбарларининг касаба союз ташкилоти ходимларининг тошбағирлигини ҳеч қандай кундалик ишлар, ўта бандлик билан оқлаш мумкин эмас. Меҳнат ветеранлари меҳнат коллективининг жонли тарихи, унинг фахри ва шуҳратидир. Ишчилар сулоласи, ишчилар синфининг янги авлоди, энг яхши меҳнат анъаналари улардан бошланади.

Бизнинг кекса кишиларга бўлган муносабатимиз ишлаб чиқаришда, ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлигини асло унутмаслик керак. Қаерда кексалар иззатда бўлса, ўша ерда ахлоқли ишчи сменаси камол топади...

**Л. ТРАВАС.**

## ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

### Буюртма бажарилди

**Улуғ Ватан уруши биринчи группа инвалиди Ҳ. Маҳкамовдан редакцияга тушган сигналда унинг протезга муҳтожлиги баён этилган эди. Хат чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигига юборилган эди. Қуйидаги жавоб олинди:**

**«Протезист» саноат бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонаси врачи Г. Рашчупкин 17 февраль куни Ҳ. Маҳкамовнинг уйига бориб текшириш ўтказди. Шу куни Ҳ. Маҳкамов мураккаб протез тайёрлаш учун стационарга олиб келинди. Унга ортопедия аппаратлари тайёрлаб берилди.**

**Қ. МАҲКАМОВА,**
**Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрининг ўринбосари.**

### Имтиёзли навбат билан

**Фронтда ҳалок бўлган тўрт ўғилнинг онаси 90 ёшли Анна Васильевна Комина редакцияга мурожаат этиб, оиласининг уй-жой шароитини яхшилашда кўмаклашишни сўраган эди. Хат чора кўриш учун халқ депутатлари Ленин район Совети ижроия комитетига юборилган эди. Қуйидаги жавоб олинди:**

**«Халқ депутатлари Ленин район Совети ижроия комитети Павлов кўчасидаги 12-уйда яшовчи А. Коминанинг аризасини кўриб чиқди. Жамоатчилик уй-жой комиссиясининг қарори билан унинг тўрт кишидан иборат оиласи ҳалок бўлган жангчиларнинг оиласи сифатида замонавий квартира олиш учун имтиёзли навбатга ёзилди (протокол номери 9, 1983 йил 3 март, навбат номери 38).**

**Т. ҲАЙДАРОВ,**
**Ленин район Совети ижроия комитетининг раиси.**

## «Ветеран»нинг справкалар бюроси

«Биз меҳнат қилаётган «Узоргтеходстрой» трестида меҳнат ветеранлари тахтасини жиҳозлашга аҳд қилинди. Шу боисдан ҳам меҳнат ветеранлари ҳақидаги Низомни билишни истар эдик. Гапнинг маъноси шундаки, трест 15 йил муқаддам ташкил этилган. Биз ҳозир ишлаётган кишилардан ким трестда меҳнат ветерани ҳисобланишини билмаймиз».

**Н. КАЗАКОВА,**
**катта инженер.**

«40 йиллик меҳнат стажига эгаман. Ҳозир ҳақиқий дам олишга чиқиш арафасидаман. Ўзим эса аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг «Узбитмонтажналадка»сида ишлаб турибман. Менга «Меҳнат ветерани» медали беришлари керакми? Мендан аввалроқ пенсияга чиққан Т. Новиковга медаль беришмади. Маҳаллий комитет ходимлари эса бизга медаль берилиши кераклиги ёки берилмаслигини яхши тушунтириб беришолмади».

**Г. УЛЬЯНОВ.**

●

«Армия сафидаги хизматдан бўшагандан кейин халқ хўжалигида меҳнат қилаётган ва 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан «Совет Қуролли Кучлари ветерани» медали билан мукофотланган запасдаги ва истеъфодаги офицерлар «Меҳнат ветерани» медалига тақдим этиладиларми?»

**В. СВЕРДЛИН.**

**Жавоб:** СССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 18 январдаги Фармонига биноан «Меҳнат ветерани» медали таъсис этилган. У халқ хўжалигида, фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳаларида, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларида узоқ йил ҳалол меҳнат қилган меҳнаткашларни мукофотлаш учун таъсис этилган медалдир. Бундай медаль билан ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар пенсия ёшига етган ва муносиб дам олишга кетаётган пайтда уларнинг меҳнатдаги хизматларини эътироф этиш белгиси сифатида мукофотланадилар. Мукофотлаш СССР Олий Совети Президиуми номидан иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумлари, халқ депутатлари ўлка, область Советлари, шунингдек, Москва ва Ленинград шаҳар Советлари ижроия комитетлари томонидан амалга оширилади. Мукофотлаш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти, меҳнат коллективининг партия, касаба союз ташкилоти тавсия этади. Мукофотга номзодлар маъмурият билан жамоат ташкилотининг биргаликдаги мажлисида муҳокама қилинади. Мукофотлаш ҳақидаги тавсиянома билан бир вақтда ходимга ёши бўйича пенсия тайинлаш тўғрисида тегишли ҳужжатлар тақдим этилади. Ҳали ишлаб турган пенсионерларга нисбатан мукофотлаш тўғрисидаги тавсиянома уларнинг муносиб дам олишга чиқмасидан олдин ҳам берилиши мумкин.

●

**Е. ПОДЧАШИНСКИЙ: Пенсионер меҳнат фаолиятини қайта бошлагандан кейин вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси қандай миқдорда тўланади? Шунингдек, уй-жой майдони олишда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига қандай имтиёзлар белгиланган?**

**Жавоб:** СССР Министрлар Советининг 1973 йил 13 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Давлат социал страхованиеси бўйича нафақа белгилашда ишчилар ва хизматчилар узлуксиз меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш қоидаларига қуйидагилар белгиланган: қарилик бўйича пенсияга чиқиш муносабати билан ўз хоҳишига кўра ишдан бўшагандан кейин ишга киришда танаффуснинг қанчалигидан қатъий назар Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг меҳнат стажи сақланади, қарилик бўйича пенсионер бошқа сабаблар билан ишдан бўшаган бўлса ҳам ана шу тартибга амал қилинади (меҳнат интизомини бузганлик учун ишдан бўшатилиш бундан мустасно).

Демак, қарилик бўйича пенсияга чиқиб, ишдан бўшаган ходимлар меҳнат фаолиятини қайта тиклаганларида уларнинг ишдаги танаффуси узлуксиз меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда эътиборга олинмайди. Уларнинг ишдан бўшаган пайтдаги стажлари сақланади ва янги ишдаги стажга вақтинча танаффус ҳисобга олинмасдан қўшилади.

Агар ходим пенсияга чиқишдан олдин саккиз йил узлуксиз стажга эга бўлиб, пенсионер сифатида икки йил ишламаган бўлса, кейин яна ишга киргач, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун нафақа касаба союз аъзоси эканлиги ҳисобга олиниб, иш ҳақининг юз проценти миқдорида нафақа берилади (касаба союз аъзоси бўлмаса эллик процент).

Ўзбекистон ССРда давлат уй-жой фондидан турар жой майдонини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги амалдаги Низомга мувофиқ гражданларга, шу жумладан пенсионерлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига турар жой ажратиш белгиланган санитария нормалари миқдорида— оиланинг ҳар бир аъзосига 9 квадрат метр ҳисобида амалга оширилади. Ёлғиз гражданларга турар жой ажратиш ҳоллари бундан мустасно.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1980 йил 21 февралдаги «Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитини яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори билан белгилаб қўйилганки, ҳаракатдаги армия составига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларга хизмат қилган хизматчилар ва партизанлар ҳисобланувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари уй-жой майдони билан таъминланишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

**В. РОДИН,**
**Тошкент область касаба союзлари Советининг давлат социал страхованиеси бўйича бўлим мудири.**

●

**В. МЕДВЕДЕВ: КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрсида»ги қарорида «шаҳар атрофи, темир йўл ва сув транспортида ҳамда шаҳар атрофига қатновчи автобусларда бепул юриш ҳуқуқи» берилиши айтилган. Мен шаҳар атрофига қатновчи автобусдан фойдаланишимга тўғри келади. Айтингчи, нега бизнинг республикамизда транспортнинг бу турида бепул юриш 40 километр қилиб белгиланган? Бу тўғрида ҳукумат кўрсатмаси борми?**

**Жавоб:** КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1978 йил 10 ноябрдаги қарори ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1978 йил 11 декабрдаги қарори билан Улуғ Ватан уруши инвалидларига шаҳар атрофи темир йўл ва сув транспортида ҳамда шаҳар атрофи маршрутларига қатновчи автобусларда бепул юриш ҳуқуқи берилган. Кўрсатилган имтиёзлардан ташқари Улуғ Ватан уруши инвалидларига йилда бир марта темир йўл транспортида эллик процент скидка билан юриш (бориш-келиш) имтиёзи берилган. Темир йўл бўлмаган районларда сув, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспортидан фойдаланилади. Шунингдек, ҳар йили 1 октябрдан 15 майгача шаҳарлараро автобусда 50 процентли скидка жорий этилган.

«Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти Устави»да кўрсатилишича, шаҳар атрофи қатновига шаҳар (аҳоли пункти) доирасидан четга 50 километргача бўлган масофага қатнов киради. Республикалараро қатнов бундан мустасно этилади.

**М. ҒОЗИЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрининг ўринбосари.**

